

## АСОСИЙ ВОСИТАЛАР ҲИСОБИНИ ТЎҒРИ ЮРИТИШНИНГ ДАРОМАД ВА ХАРАЖАТЛАРГА ТАЪСИРИ

**Obidov Rakhmonali Rasulovich,**

*PhD. Dotsent., Тошкент молия институти Тошкент, Ўзбекистон. Email:  
rahmonali\_obidov@tfi.uz ORCID: 0009-0009-0435-1928*

## THE EFFECT OF CORRECT FIXED EQUIPMENT ACCOUNTING ON INCOME AND COSTS

**Obidov Rakhmonali Rasulovich,**

*PhD. Associate Professor, Tashkent Institute of Finance Tashkent, Uzbekistan. Email:  
rahmonali\_obidov@tfi.uz ORCID: 0009-0009-0435-1928*

### **JEL Classification: M1, M4, M41**

**Аннотация.** Бугунги кунда барчамизга маълумки иқтисодий шиддат билан ривожланиб бормоқда. Ривожланган корхоналарни таҳлил қиладиган бўлсак уларни брчаси янги техника ва технологиялардан фойдаланмаоқда. Бу уларга янги имкониятлар яратиб бермоқда. Шу билан биргаликда асосий воситалар ҳисобини юритишда айрим камчиликлар ва муаммоларни келтириб чиқармоқда. Ушбу муаммоларни бартараф этиши иқтисодчи мутахассислар билан бир қаторда барча бухгалтерларнинг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бир ҳисобланади.

Рақамли технологиялар-уларни асосини замонавий техника ва технологиялар ташиқил этиб уларни ишга туширишда улардан самарали фойдаланишда малакали мутахассисларни ишлаб чиқариши жараёнларига жалб қилиши лозим.

Ушбу мақолада бизнес ва хўжалик юритувчи субъектларда асосий воситалар ҳисобини миллий ва халқаро стандартлар асосида юритиши, ҳисобга олиши ва уларни ҳисобдан чиқаришда даромадлар ва харажатларни тўғри акс эттириши, ижобий молиявий

натижаларга эришишининг, яъни максимал даражада фойда олиши учун компанияларда молиявий натижалар ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисида тезкор ва ишончли ахборотларни олиши ва муҳим бошқарув қарорларини қабул қилиши имкониятлари келтириб ўтилган. Шу билан биргаликда, даромад ва харажатларни тан олиши, турли баланс назарияларида молиявий натижаларни шакллантириши, бухгалтерия ҳисобида молиявий натижаларни турли концепциялар бўйича акс эттириши, молиявий натижалар бўйича бухгалтерия ҳисоби ахборот таъминотини такомиллаштириши, асосий воситаларни рентабеллик кўрсаткичларини таҳлил қилиши масалалари ўз ечимини топган. Эътироф этиши жоизки, бизнес ва тадбиркорлик субъектларида, асосий воситлар ҳисобини юритишда уларни фойдали хизмат муддатини, тугаши қийматини, рентабеллик кўрсаткичларини аниқлашга эришилган. Бизнес ва тадбиркорлик субъектларида асосий воситлар ҳисобини миллий ва халқаро стандартлар асосида юритишининг назарий ҳамда услубий асосларини яратиши ва уни такомиллаштириши бўйича бир қатор

хорижлик иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотлари ёритиб берилган.

**Abstract.** Today, as we all know, the economy is developing rapidly. If we analyze developed enterprises, most of them do not use new techniques and technologies. This gives them new opportunities. At the same time, it causes some shortcomings and problems in the accounting of fixed assets. Eliminating these problems is one of the urgent tasks of all accountants as well as economists today.

Digital technologies are based on modern techniques and technologies, and when they are put into operation, it is necessary to attract qualified specialists to the production processes.

In this article, the accounting of fixed assets in business and economic entities based on national and international standards, the correct reflection of income and expenses in accounting and their write-off, the achievement of positive financial results, i.e., the maximum profit, the accounting and reporting of financial results in companies are described quickly and opportunities for obtaining reliable information and making important management decisions are mentioned. At the same time, the issues of recognition of income and expenses, formation of financial results in different balance sheet theories, reflection of financial results in accounting according to different concepts, improvement of accounting information supply on financial results, analysis of profitability indicators of fixed assets have been solved. It should be recognized that in business and entrepreneurial entities, in the accounting of fixed assets, it is possible to determine their useful life, end value, and profitability indicators. The scientific researches of a number of foreign economists on creating and improving the theoretical and

methodological foundations of accounting of fixed assets in business and entrepreneurial entities based on national and international standards are highlighted.

**Калим сўзлар:** асосий воситалар, асосий воситаларни фойдали хизмат муддати, тугатиш қиймати, рентабеллик кўрсаткичлари, асосий воситаларни эскириш қиймати, молиявий натижалар, даромадларни тан олиш, харажатларни тан олиш, молиявий ҳисобот

**Keywords:** fixed assets, useful life of fixed assets, liquidation value, profitability indicators, depreciation value of fixed assets, financial results, recognition of income, recognition of expenses, financial statement

**Кириш.** Рақамли трансформациялаш шароитида ахборот тизимлари муҳим аҳамият касб этмоқда. Мамлакатимизни ривожлантиришда, аҳолининг турмуш тарзини яхшилашда ҳамда республикамизни дунё ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаши учун Президентимиз бошчилигида бир қанча иқтисодий ислохотлар амалга оширилмоқда. Бунинг намунаси тариқасида 2024 йил "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" давлат дастури қабул қилинди.

Юртбошимиз такидлаганидек "Янги йилда иқтисодиётимизга хорижий инвестицияларни жалб этиш, тадбиркорлик ва хусусий мулк учун кенг имкониятлар яратишни янада кучайтирамиз. Илм-фан, инновация, IT каби соҳаларни, "яшил" ва рақамли технологияларни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратамиз"[1]. Ушбу айtilган гапларда мамлакатни ривожлантиришнинг энг муҳим ва устувор йўналишлари ифодаланиб, улар сўнгги йилларда айникса, иқтисодий ўсиш

соҳасида шаклланган қарашларни тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Ушбу мақсадга эришишда нафақат иқтисодиёт субъектларининг янги замонавий технологиялар билан таъминланганлигига, балки, ушбу технологиялардан самарали фойдалана оладиган малакали мутахассисларни ишлаб чиқариш жараёнига жалб қилишда ҳам намоён бўлади. Ушбу муаммоларни бартараф этиш иқтисодчи мутахассислар билан бир қаторда барча бухгалтерларнинг бугунги кундаги долзарб вазифаларидан бир ҳисобланади.

Сўнги йилларда Ўзбекистон иқтисодиётида шиддатли, сифат жиҳатидан янги таркибий ва чуқур бозор ислохотлари юз бермоқда, мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш устуворликлари тубдан қайта кўриб чиқилмоқда, иқтисодиётни ҳақиқатда ҳаракатга келтирувчи қувватга эга бўлган иқтисодий ўсишнинг янги, амалий драйверлари жорий этилмоқда. Эски, ўз салоҳиятини йўқотган институт ва иқтисодий регулятив воситалари иқтисодиётга таъсир этишнинг янги инновацион ва самарали шакл ҳамда усулларига ўз ўрнини бўшатиб бермоқда [15].

Бугунги кунда ҳар бир соҳада инновация ва изланиш, янги ютуқларга эришиш, мустаҳкам рақобатни йўлга қўйишда муҳим омил бўлмоқда. Деярли ҳар дақиқада сайёрамизнинг турли бурчакларида кескин ўзгаришлар, янгиланишлар ва кутилмаган воқеа-ҳодисалар содир бўлмоқда. Ҳар бир дақиқамиз, кунимиз кучли ахборот оқими остида кечмоқда. Ахборот оқими бизни уйда, ишхона ва таътилда боринки барча жойда таъқиб этади. Инсон ахборот таъсиридан холи нормал фаолият юрита олмайди. Ҳаётни англаш, уни ўрганиш

ахборотларни йиғиш ва уларни ўзлаштириш орқали кечади.

Инсоннинг билимлилик даражаси ҳам маълум давр ичида шахс томонидан ўзлаштирилган ахборотларнинг ҳажми билан белгиланади. Хозирги даврда фан ва техника ривожланиб бормоқда, бунда эса ахборот тизимларидан кенг фойдаланиб келинмоқда. Ахборот тизимлари эса ихтиёрий соҳада ҳар хил вазиятларда қарор қабул қилиш учун ахборотни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, кидириш ва узатишни таъминлайди. Улар вазиятни таҳлил қилишга ва янги қарорлар, маҳсулотлар яратишга ёрдам берадилар. Ахборот тизими- қўйилган мақсадни амалга ошириш учун ахборотни кидириш, йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш усуллари, воситалари ва ходимларнинг ўзаро боғлиқ мажмуидир.

Бизнес таҳлили ва маълумотларни таҳлил қилиш учун замонавий асбоблардан фойдаланишни талаб этмоқда, бу ташкилотга қарорларни асосланган ҳолда қабул қилишда, маълумотларни осон тушунишда улардан фойдаланишга ёрдам беради. Тизимларни доимий равишда янгилаб туриш учун зарур маблағларни ажратиш. Бу инновацион технологияларни жорий этиш ва рақобатбардошликни сақлаб қолиш учун муҳимдир.

Фойдаланувчиларни тайёрлаш ва ўргатиш лозим, янги технологияларни жорий қилишда фойдаланувчиларга таълим бериш ва уларни янги тизимлардан фойдаланишга ўргатиш керак бу эса самарадорлигини оширади. Маблағларни самарали бошқариш орқали технологик ривожланиш учун зарур бўлган маблағларни таъминлаш, иқтисодий самарадорликни оширишга ёрдам беради.

Умуман олганда, ахборот тизимларида асосий воситаларни ташкил

этиш ва уларнинг самарадорлигини ошириш учун муҳим стратегияларни доимий равишда қўллаш ва уларни такомиллаштириш зарур. Бу жараёнда инновацияларга очиклик, фойдаланувчилар билан яқин ҳамкорлик, ҳамда маълумотларни самарали бошқариш каби асосий омилларга эътибор бериш керак.

Ахборот тизимларининг асосий техник воситаси сифатида компьютер ва алоқа-коммуникация воситаларидан фойдаланиш кўзда тутилади. Ахборот тизимларида асосий воситаларни ташкил этиш бўйича ушбу стратегиялар ва ечимларни қўллаш орқали ташкилотлар ўз самарадорлигини ошириши, хавфсизлик даражасини кучайтириши ва рақобатбардошлигини таъминлаши мумкин.

Мамлакатимизда фаолият олиб бораётган фирмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг ахборот тизимларида асосий воситалар ҳисобини ташкил этишнинг аҳамияти ва муаммолари ҳақидаги мавзу, замонавий бизнес ва молия соҳаларида жуда долзарбдир. Чунки янги технологиялар ва меъёрларга мослашиш учун ахборот тизимларида фойдаланадиган асосий воситалар ва номоддий активларни доимий янгилаш керак бўлади, асосий воситаларни сақлаб туриш харажатлари ҳисобини тўғри ҳисобга олиш, асосий воситаларнинг фойдали хизмат муддатини тўғри белгилаш, уларни тугутиш қийматини белгилаш, эскириш ҳисоблаш турларини тўғри акс эттириш ҳозирда долзарб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, ушбу жараёнларнинг маълум даврдаги ривожланиш тенденцияларини комплекс тарзда чуқур таҳлил этиш, аниқ сабабларини ўрганиш ва бу борадаги мавжуд имкониятларни аниқлаш келажакда ушбу соҳа самарадорлигини

ошириш ва ривожланишининг устувор йўналишларини белгилашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади. Янги техника ва технологиялар орқали замонавий ахборот тизимларидан усуллардан оқилона фойдаланиш ижобий самаралар бермоқда.

Асосий воситаларни самарали ташкил этиш, ахборот тизимларининг умумий самарадорлигини оширади. Бу, ўз навбатида, бизнес жараёнларини тезлаштириш ва ресурсларни оптималлаштиришга ёрдам беради. Маълумотларни самарали бошқариш ва сақлаш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш ва фойдаланувчиларга қулайлик яратишда муҳим рол ўйнайди.

**Материал ва метод.** Ҳозирги кунда акциядорлик жамиятларида харажатларини камайтириш орқали даромадларини оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Акциядорлик жамиятларида асосий воситалар ҳисобини тўғри юритиш ва уни ҳисоб сиёсатида тўғри акс эттириш акциядорлик жамиятларида харажатларни тежашга ва даромадларни оширишга ҳизмат қилади. Асосий воситалар ҳисобини юритиш уларни ҳисобга олиш ва ҳисоботларини шакиллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Асосий воситаларнинг аналитик ва синтетик ҳисобини юритиш акциядорлик жамиятининг "Ҳисоб сиёсатида" алоҳида ёритиб ўтилган. Бугунги рақамли трансформациялаш шароитида хўжалик юртиувчи субъектларда ҳисоб тизимини халқаро миқёсга олиб чиқиш ва тараққий эттирилишига бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартлари (БҲХС) муҳим ўрин тутади. Умумий ҳолатда, БҲХСлар давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни, хусусан иқтисодий муносабатларни ривожлантириш ва инвестицион муҳитга инновацияларни олиб кириш ва уларни яхшилашда муҳим восита сифатида



хизмат қилмоқда. Шунинг учун, ҳисоб тизимида бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларини кенг эътироф этувчи мамлакатлар сони ошиб бормоқда. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасидаги хўжалик юритувчи субъектлар ҳам БҲХСга ўтиши мақсадга мувофиқдир[8].

Мамлакатимизда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар даражасига олиб чиқиш учун бир қанча меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, мамлакатимизда МҲХСларига ўтишни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 24 апрелдаги ПФ-4720-сон “Акциядорлик жамиятларида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони (Фармон, 2015), 2019 йил 17 январдаги ПҚ-4124-сон “Кон-металлургия тармоғи корхоналари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари билан йиллик молиявий ҳисоботнинг МҲХСларига мувофиқ эълон қилиниши ва уни Аудитнинг халқаро стандартлари (АХС) асосида ташқи аудитдан ўтказилиши бўйича вазифалар юклатилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 февралдаги “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 4611-сон қарори асосида акциядорлик жамиятлари, тижорат банклари, йирик солиқ тўловчилар тоифасига кирувчи корхоналар (Қарор, 2020), суғурта ташкилотлари 2021 йилги молиявий ҳисоботларини МҲХСлари асосида тақдим этиш, бухгалтерларни халқаро сертификатлаш, олий таълим соҳасида ўқув режалари ва дастурларини халқаро стандартларга мувофиқлаштириш

вазифалари юкланган. Корхоналарда МҲХСларига ўтишда эришилган ютуқларни таҳлил қилиш, илғор тажрибаларни оммалаштириш, МҲХСларни жорий этишни жадаллаштириш борасидаги яна олдимизда турган вазифаларимизни таҳлил қилиш зарурияти мавжуд деб ҳисоблаймиз. МҲХСларига мукамал ўтишда энг муҳим омил бу инсон омилidir. Ушбу соҳадаги мутахассисларни МҲХСларга ўқитиш, кўникма ва тажрибаларни шакллантириш зарур ҳисобланади.

Ана шу жиҳатдан олганда, асосий воситалар ҳисобини халқаро стандартларга мослаштириш ва такомиллаштиришга қаратилган тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқлиги долзарб вазифалар эканлигини белгилаб беради.

Жаҳон амалиётида асосий воситаларни ҳисобга олиш бўйича 16-сонли “Асосий воситалар” деб номланган БҲХС қўлланилади. Ушбу стандартга кўра, асосий воситалар турли мезонларга жавоб бериши назарда тутилади, масалан, 16-сонли БҲХСнинг 3-бандига мувофиқ, қуйидагиларга нисбатан қўлланилмайди:

(а) МҲХС 5 “Сотиш учун мўлжалланган узоқ муддатли активлар ва давом эттирилмайдиган фаолият”га асосан сотиш учун мўлжалланган деб таснифланадиган асосий воситалар;

(б) қишлоқ хўжалиги фаолиятига тегишли биологик активлар (БҲХС 41 - “Қишлоқ Хўжалиги”);

(в) фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлашда ушбу фойдали қазилмаларнинг тан олиниши ва баҳолалиниши (МҲХС 6 “Фойдали қазилмаларни қидириш ва аниқлаш”);

(г) нефть, табиий газ ва шунга ўхшаш қайта тикланмайдиган ресурслар

каби фойдали қазилмаларга ҳуқуқлар ва фойдали қазилмаларнинг заҳиралари.

Бироқ, ушбу стандарт (б)–(г) бандларда қайд қилинган активларни казиб олиш ёки ишлатишда фойдаланиладиган асосий воситаларга нисбатан қўлланилади[9].

О.В.Жердеванинг фикрига кўра, “балки биринчи навбатда активнинг мезонларига жавоб берса, асосий воситага айланиши мумкин, бу эса, бухгалтерия тизимлари ўртасидаги фарқдир” [11].

Энди бухгалтерия тизимларидаги, яъни асосий воситалар ҳисоби бўйича БҲМС ва БҲХС ўртасидаги фарқларни изоҳлайдиган бўлсак, бу асосий фарқ - асосий воситаларнинг ўлчов бирлигидир. 5-сонли БҲМС 4-бандига кўра, “Асосий воситалар таркибига қуйидаги мезонларга бир вақтнинг ўзида жавоб берадиган моддий активлар киритилади:

а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати;

б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар”, - деб эътироф этилган.

Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартларига кўра, эса, асосий воситаларнинг тан олиш бирлигининг аниқ таърифи йўқ, яъни 16-сонли БҲХСнинг 9-бандига кўра, “Ушбу стандарт тан олиш учун ўлчов бирлигини, яъни асосий восита объекти нимадан ташкил топишини белгилаб бермайди. Шунинг учун, тадбиркорлик субъектининг ўзига хос шарт-шароитларида тан олиш мезонларини қўллаш учун мулоҳаза қилиш талаб этилади ва тан олиш мезонларини ушбу

бирлаштирилган қийматга нисбатан қўллаш ўринли бўлиши мумкин” лиги эътироф этилган[17].

Н.А.Терпакнинг изланишларига кўра, “Ташкилот томонидан асосий восита сифатида қабул қилингандан сўнг, у тарихий қиймати бўйича ҳисобга олинади. Бошланғич қиймат асосий воситаларни корхонага олиш усулидан келиб чиқиб шакллантирилади”[10] - деб, изоҳлайди.

Россиялик қатор олимлар, жумладан, О.В. Жердева, Е.А. Санькова ва С.А.Муллиновалар эса, “Хўжалик юритувчи субъект асосий воситаларни қайта баҳолаш тўғрисида қарор қабул қилади, бу эса кейинчалик бухгалтерия сиёсатида белгиланади. Агар ташкилот асосий воситаларни қайта баҳолашга қарор қилса, ПБУ 6/01га мувофиқ қайта баҳолаш кўшимча капиталга киритилади. Халқаро амалиётда асосий воситалар ҳам қайта баҳоланиши мумкин. Қайта баҳолаш хўжалик юритувчи субъектда шундай амалга ошириладики, асосий воситалар ҳар доим жорий таннархда акс эттирилади. Бу фойдаланувчилар учун бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботни янада ишончли қилади. Бироқ, МҲХСга мувофиқ, қайта баҳолаш ўз капиталига киритилади ва “қайта баҳолаш заҳираси” деб аталади. “Қайта баҳолаш заҳираси” ўз навбатида ҳисобот даври охирида фойдага ҳисобдан чиқарилади. Агар асосий восита амортизация қилинган бўлса, у ҳисобот даврининг зарарларида акс эттирилади” [15] - деб, таъкидлаб ўтганлар.

Ана шу ўринда шуларни таъкидлаб ўтиш жоизки, МҲХСда асосий воситалар объекти қийматининг қуйидаги турларини ўз ичига олади - баланс қиймати, таннарх, эскириш ҳисобланадиган қиймат, эскириш,

тадбиркорлик субъектига хос қиймат, ҳаққоний қиймат, кадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат, активнинг тугатиш қиймати.

М.Филиппованинг фикрича, "Амортизация солиштиришнинг кейинги жиҳати ҳисобланади. Шундай қилиб, Россия бухгалтерия ҳисобининг ўзига хос хусусияти - бу асосий воситаларнинг қийматини фойдали хизмат муддати йиллари йиғиндиси бўйича ҳисобдан чиқариш усулидир" [12].

Умуман олганда ахборот тизимларида асосий воситаларнинг амортизациясини ҳисоблаш усуллари тўғри чизикли, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш, сонлар йиғиндиси, камайиб борувчи қолдиқ усуллари мавжуд бўлиб, бухгалтерия ҳисобидаги асосий воситанинг дастлабки қийматининг ўзгариши объектларни тугатиш, кўшимча жиҳозлаш, реконструкция қилиш, модернизация

қилиш, қисман тугатиш ва қайта баҳолашда содир бўлиши мумкин. Халқаро молиявий ҳисобот стандартларида, агар меъёрий хусусиятларнинг яхшиланганлиги тасдиқланса, асосий воситаларнинг қиймати исталган вақтда шакллантирилиши мумкин.

Юқоридаги маълумотлар асосида асосий воситалар ҳисобини БҲМС бўйича ва БҲХС бўйича юритилиши тартибларига оид чоп этилган илмий адабиётларни қиёсий таҳлил қилиш ва маълумотларни қайта ишлаш ҳамда тизимли ёндашув асосида таҳлиллар ўтказилган.

Халқаро амалиётда яна бир кўриниш мавжуд бўлиб, унга кўра, тугатиш ва қайта тиклаш харажатлари объектнинг дастлабки қийматида киритилиши зарур. Қуйидаги 1-жадвалда асосий воситалар ҳисоби бўйича БҲМС ва БҲХСлар бўйича ўзаро фарқлар умумлаштириб келтирилди.

### 1-жадвал

#### БҲМС ва БҲХС бўйича асосий воситаларни ҳисобга олишдаги ўзаро фарқлар

Кўрсаткичлар	БҲМСга кўра	БҲХСга кўра
Объектни ҳисобга олиш учун қабул қилиш	а) бир йилдан ортиқ хизмат муддати; б) бир бирлик (тўплам) учун қиймати Ўзбекистон Республикасида (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган буюмлар	(а) маҳсулотларни ишлаб чиқариш ёки етказиб бериш, ёки хизматларни кўрсатиш, ёки бошқа томонларга ижарага бериш, ёки маъмурий мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланган; ва (б) бир даврдан узоқроқ муддат давомида фойдаланилиши кутилган.
Ўлчов бирлиги	Инвентаризация объекти.	Эътироф этилмаган
Тан олинishi	Асосий воситалар актив сифатида тан олинганда улар бошланғич қиймат бўйича	(а) тадбиркорлик субъекти томонидан асосий восита билан боғлиқ келгуси иқтисодий наф

	баҳоланади	олиниши эҳтимоли мавжуд бўлса; ва (б) активнинг таннархи ишончли баҳолана олса.
Қайта баҳолаш натижалари	Асосий воситалар қайта баҳолаш натижасида ҳисоб ва ҳисоботда жорий қиймат бўйича акс эттирилади. Асосий воситаларнинг бошланғич қиймати қайта баҳоланиши мумкин	Актив сифатида тан олинганидан сўнг, асосий восита объекти унинг таннархидан ҳар қандай жамғарилган эскириш суммаси ва ҳар қандай кадрсизланиш бўйича йиғилган зарарлар чегириб ташланган қийматда ҳисобга олиниши керак.
Асосий воситалар қийматининг турлари	Бошланғич қиймат, амортизациялана- диган қиймат, жорий қиймат, қолдиқ (баланс) қиймат, тугатиш қиймати.	Баланс қиймати, таннарх, эскириш ҳисобланадиган қиймат, эскириш, тадбиркорлик субъектига хос қиймат, ҳаққоний қиймат, кадрсизланиш бўйича зарар, қопланадиган қиймат, активнинг тугатиш қиймати
Амортизация усуллари	а) бир маромли (тўғри чизиқли) ҳисоблаш усули. б) бажарилган ишлар ҳажмига мутаносиб равишда ҳисоблаш усули (ишлаб чиқариш усули).	Тўғри чизиқли, ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига мутаносиб равишда ҳисобдан чиқариш, сонлар йиғиндиси, камайиб боровчи қолдиқ усуллари
Объектни тугатиш	Асосий воситалар қиймати корхона балансидан қуйидагилар натижасида ҳисобдан чиқарилади: тугатилганда; сотилганда айирбошланганда; текинга берилганда; устав капиталига таъсисчи улуши сифатида берилганда; молиявий ижара (лизинг) шартномаси бўйича берилганда; камомад ёки йўқотишлар аниқланганда; таъсисчи таъсисчилар таркибидан чиққанда; нодавлат нотижорат ташкилот мулкани шакллантиришда мулкий бадал сифатида берилганда.	Асосий восита объектининг баланс қиймати қуйидаги ҳолатларда ҳисобдан чиқарилиши керак: (а) у чиқиб кетганида; ёки (б) ундан фойдаланишдан ёки унинг чиқиб кетишидан ҳеч қандай келгуси иқтисодий наф кутилмаганида

Россиялик олим  
К.А.Шкамардининг эътирофи этишича,  
"Россия бухгалтерия ҳисобида асосий

воситани тугатишда ушбу ҳаракат билан  
боғлиқ барча харажатлар ҳисобга  
олинмайди. Худди шу нарса асосий



воситаларни қайта тиклаш жараёнига ҳам тегишлидир" [13].

Шундай қилиб, мавжуд фарқлар ушбу мавзунини тегишли равишда ўрганиш билан халқаро стандартларга мувофиқ ҳисобот беришга тўқинлик қилмайди. Дарҳақиқат, МХХСга мувофиқ ҳисобот бериш турли мамлакатлар ўртасидаги муносабатларни муваффақиятли ўрнатиш ва хорижий инвесторлар билан муносабатларни ўрнатишнинг калитидир.

М.А.Вахрушина, Л.А.Мельникова ва Н.С.Пласковаларнинг таъкидлашларича, "МХХС ва РБХСни бирлаштириш зарурати, шунингдек, инвесторлар томонидан МХХС форматида ҳисобот беришга қизиқишнинг ортиши билан боғлиқ. Чунки айнан мана шу молиявий барқарорлик кўрсаткичларининг энг кўп очиб беришга имкон беради, айтиш пайтда молиявий барқарорлик омили маҳаллий компанияларнинг халқаро капитал бозорларига инвестицияларни жалб этишининг таъминлашда асосий омиллардан бири бўлиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилишдир, кейинчалик бу кўрсаткичларни кенгайтириш учун фойдаланилади [14].

М.Ф.Овсийчук ва Д.В.Якимовларнинг фикрларига кўра, "Фарқларнинг аксарияти асосий воситаларни баҳолашнинг қўлланиладиган усуллари билан боғлиқдир. Халқаро амалиёт қоидаларига кўра, объектлар қайта баҳоланган қийматига мувофиқ ҳисобга олинади. Бухгалтерия ҳисобининг ушбу усулини қўллаш доирасида корхона асосий воситалар баланси қийматининг

уларнинг ҳаққоний қийматига етказиш учун ҳисоб-китобларни амалга оширади [15].

Энди асосий воситаларнинг тан олинмишидаги қийматлари бўйича ўзаро фарқларни қуйидаги 2-жадвалда келтириб ўтамиз.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бухгалтерия ҳисоботларининг тайёрлашда халқаро стандартлар тамойилларининг жорий этилиши, маълумотларни тўлиқ очиб берувчи ахборотларни олишни хоҳлайдиган ички, хусусан ташқи манфаатдор фойдаланувчилар сонининг кўпайиши билан боғлиқ.

Юқоридаги маълумотлардан шуни хулоса қилишимиз мумкинки Ўзбекистонда асосий воситаларни ҳисобга олишни халқаро стандартлар билан унификация қилишда қуйидагиларни таклиф этамиз:

1. Асосий воситаларни тўғри таснифлаш, тан олиш мезонлари ва баҳолаш усуллари тизимининг халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш, шунда асосий воситалар қийматининг аниқлаш ва уларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш батафсил тавсифланади.

2. Амалда қўлланилаётган молиявий ҳисоботлар шаклларининг халқаро стандартларга мослаштириш ва шу асосида такомиллаштириш.

3. Ахборотлардан фойдаланувчиларнинг кўп сонли манфаатдор тоифаларининг ва натижада потенциал инвесторларни жалб қилиш эканлиги мақсадидан келиб чиқиб, молиявий ҳисоботларни тузиш ва шакллантиришда МХХС тамойилларининг тўлиқ қўллаш соҳасининг кенгайтириш зарур.

**БҲХМС ва БҲХС бўйича ссосий воситаларнинг тан олиншидаги қийматлари бўйича ўзаро фарқлар**

Қиймат номи	5-сонли БҲМСга кўра	Қиймат номи	16-сонли БҲХСга кўра
Бошланғич қиймат	Асосий воситаларни яратиш (куриш ва куриб битказиш) ёки харид қилиш бўйича қилинган харажатларнинг қиймати, шу жумладан тўланган ва қопланмайдиган солиқлар (йиғимлар), шунингдек активни ундан мақсадга мувофиқ фойдаланиш учун ишчи ҳолатига келтириш билан бевосита боғлиқ бўлган етказиб бериш ва монтаж қилиш, ўрнатиш, ишга тушириш ва исталган бошқа харажатлар	Баланс қиймати	Ҳар қандай жамғарилган эскириш ва йиғилган кадрсизланиш бўйича зарарлар чегириб ташланганидан сўнг активнинг тан олинадиган суммаси
		Таннарх	Активни унинг хариди ёки курилиши пайтида сотиб олиш учун тўланган пул маблағи ёки пул маблағи эквивалентидаги қиймат ёки бошқа турдаги унинг эвазига берилган товоннинг ҳаққоний қиймати ёки активнинг дастлабки тан олиншидаги қийматдир
Амортизацияланадиган қиймат	Кутилаётган (баҳоланган) тугатиш қийматини чегирган ҳолда молиявий ҳисоботларда кўрсатилган активнинг бошланғич (тиклаш) қиймати суммаси	Эскириш ҳисобланадиган қиймат	Активнинг тугатиш қиймати чегирилгандаги таннархи ёки таннарх ўрнига акс эттириладиган бошқа қийматдир
Жорий қиймат	Маълум санадаги амал қилаётган бозор нархлари бўйича асосий воситаларнинг қиймати ёки хабардор қилинган, битимни амалга оширишни хоҳловчи, мустақил тарафлар ўртасида битимни амалга оширишда активни сотиб олиш ёки мажбуриятларни бажариш учун етарли бўлган сумма	Тадбиркорлик субъектига хос қиймат	Тадбиркорлик субъекти томонидан активдан давомий фойдаланишидан ва фойдали хизмат муддати охирида баланسدан чиқаришдан ёки мажбурият сўндирилганида кутиладиган пул оқимларининг келтирилган қийматидир
Қолдик (баланс) қиймат	Жамланган амортизация суммасини чегирган ҳолда асосий воситаларнинг бошланғич (тиклаш) қиймати	Ҳаққоний қиймат	Баҳолаш санасида бозор иштирокчилари ўртасидаги одатдаги операцияда активни сотишда олинши мумкин бўлган ёки мажбуриятни ўтказишда тўланиши мумкин бўлган нарх
Тугатиш қиймати	Асосий воситаларнинг чиқиб кетиши бўйича кутилаётган харажатларни чегирган ҳолда кутилаётган фойдали хизмат	Қадрсизланиш бўйича зарар	Активнинг баланс қийматининг унинг қопланадиган қийматидан ошадиган қисмидир
		Қопланадиган қиймат	Активнинг куйидаги қийматларидан юқорироғи: сотиш харажатлари чегирилгандаги ҳаққоний қиймати ва унинг фойдаланишдаги қиймати.

	<p>Муддати охирида асосий воситаларни тугатиш чоғида</p> <p>Олинадиган активларнинг кутилаётган суммаси</p>	<p>Активнинг тугатиш қиймати</p>	<p>Активнинг чиқиб кетиши бўйича баҳоланган ҳаражатлар чегирилган ҳолда, тадбиркорлик субъекти айти пайтда худди актив фойдали хизмат муддати охирида кутилган муддати ва ҳолатида бўлганидек активнинг чиқиб кетишидан оладиган баҳоланган қиймати.</p>
--	---	----------------------------------	--

4. Ўзбекистондаги хўжалик юритувчи субъектларни халқаро стандартларга ўтиши, яъни МҲХСга ўтишда тезкор ва ишончли, стратегик ва амалий усуллари қўллаш. Умумий молиявий ва бошқарув маълумотлари аниқлилик, ишончилилик ва ҳаққонийликни оширишга қаратилган бўлиши зарур.

**Натижалар.** Хулоса қилиб шунни такидлаш жоизки акциядорлик жамиятларида ҳаражатларни камайтиришга ва даромадларни

оширишга таъсир қиладиган омиллардан бири асосий воситалардир. Асосий воситалар ҳисобини тўғри юритиш, уларни бошлангич қийматларини, амортизация ҳисоблаш турларини тўғри белгилаш, уларни қайта баҳолаш ва фойдали хизмат муддатини акс эттириш ҳамда ҳисобдан чиқариш тартибларини ишлаб чиқиш, сўтларда акс эттириш тартибини ҳужжатларда тўғри белгилаш ҳаражатларини камайишига ва даромадларни кўпайишига олиб келади.

### 3-жадвал

#### “Ўзтелеком” акциядорлик жамиятида асосий воситаларни сўтларда ҳисобга олиш тартиби<sup>1</sup>

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисоб-китобларнинг корреспондентсияси	
		Дебет	Кредит
1	Қурилиши тугалланган ва фойдаланишга топширилган объектларни асосий фондлар таркибига киритиш	0110-0190	0810
2	Сотиб олинган асосий воситаларни дастлабки қиймати бўйича асосий воситалар таркибига киритиш	0110-0190	0820
3	Молиявий лизинг шартномаси муддати тугаганидан кейин молиявий лизинг шартномаси бо'йича олинган объектларни асосий воситаларга киритиш	0110-0190	0310
4	Қурилиш, қўшимча жиҳозлаш, модернизатсия қилиш, реконструкция қилиш ва бошқа сифат кўрсаткичларини яхшилаш ҳисобига асосий воситаларнинг дастлабки қийматининг ошиши	0110-0190	0890

<sup>1</sup> “Ўзтелеком” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси

5	Ишчи ва маҳсулдор чорва молларини асосий фондларга киритиш	0170	0840
6	Асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қўшимча баҳолаш б) белгилаш	0110-0190 8510, 0210-0290	8510, 0210-0290 0110-0190
7	Қуйидагилар натижасида асосий воситаларнинг бошланғич қийматини ҳисобдан чиқариш: тугатиш, сотиш, текин ўтказиш, устав капиталига ҳисса сифатида ўтказиш, молиявий лизинг шартномаси бўйича ўтказиш, этишмовчилик ёки йўқотишларни аниқлаш	9210	0110-0190

Асосий воситаларни қайта баҳолашда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2002 йил 4 декабрда 1192-сон билан рўйхатга олинган “Асосий воситаларни 1 январ ҳолатига қайта баҳолаш тартиби тўғрисида”ги Низомга амал қилиш лозим.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш - бу асосий воситаларни алмаштириш қийматини бозор нархларининг ҳозирги даражасига мослаштириш мақсадида даврий янгилаш.

Компания 1-январ ҳолатига (1-февралгача) асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган ва ўрнатиш учун мўлжалланган ускуналарни ҳар йили қайта баҳолашни ўтказиши шарт.

Асосий воситаларни йиллик қайта баҳолаш 1-январ ҳолатига (1-февралгача) асосий воситаларни қайта баҳолаш индекслари асосида индекс усулида ёки тўғридан-тўғри (активлар гуруҳи бўйича) мустақил равишда ёки ихтисослаштирилган ташкилотни жалб қилган ҳолда амалга оширилади.

Асосий воситаларни қайта баҳолаш натижалари молиявий ҳисоботларда асосий воситаларни қайта баҳолаш амалга оширилган жорий даврда акс эттирилади.

Компаниянинг бухгалтерия ҳисобида асосий воситаларни қайта

баҳолаш натижаси қуйидагича акс этади:

а) асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси учун:

асосий воситалар (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (0300), капитал қўйилмалар (0800), ўрнатиш учун асбоб-ускуналар (0700) ҳисобварақларининг дебети - асосий воситаларнинг бошланғич (алмаштириш) қийматини қўшимча баҳолаш суммасига. активлар;

асосий воситаларнинг эскириш ҳисобварақлари кредити (0200) - молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ва асосий воситаларнинг тўпланган эскиришини қўшимча баҳолаш суммасига;

8510 «Узоқ муддатли активларни қайта баҳолашга тузатишлар» счётининг кредити - асосий воситалар объектининг дастлабки (алмаштириш) қийматини қайта баҳолаш ва йиғилган амортизация суммалари ўртасидаги фарқ суммасига;

б) асосий воситаларнинг эскириш суммаси бўйича:

асосий воситаларнинг эскириши бўйича счётларнинг дебети (0200) - асосий воситаларнинг, шунингдек молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситаларнинг тўпланган амортизацияси суммасига.

**“Ўзтелеком” акциядорлик жамиятида асосий воситаларни эскиришини  
счётларда ҳисобга олиш тартиби<sup>2</sup>**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисоб-китобларнинг корреспондентсияси	
		Дебет	Кредит
1	Асосий, умумий ишлаб чиқариш мақсадларида, ёрдамчи ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш объектларида фойдаланиладиган асосий воситалар учун амортизатсия ҳисоби	2010, 2310, 2510, 2710	0211-0299
2	Хизматларни сотишда фойдаланилган асосий воситаларга амортизатсияни ҳисоблаш	9410	0211-0299
3	Операцион ижарага берилган асосий воситаларнинг амортизатсиясини ҳисоблаш	9430	0220-0299
4	Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар бўйича ҳисобланган амортизатсия суммасини ижарачининг ўз асосий воситаларига ўтказиш	0299	0211-0290
5	Молиявий лизинг шартномасининг амал қилиш муддати тугагандан сўнг лизинг берувчига қайтарилган асосий воситаларнинг ҳақиқий эскиришини ҳисобдан чиқариш	0299	0310
6	Асосий воситаларнинг эскиришини қайта баҳолаш: а) қайта баҳолаш б) белгилаш	0110-0190, 8510 0211-0299, 8510	0211-0299, 0110-0190
7	Тугатиш, сотиш, текин ўтказиш, устав капиталига ҳисса сифатида ўтказиш, молиявий лизинг шартномаси бўйича ўтказиш, этишмовчилик ёки йўқотишларни аниқлаш натижасида асосий воситаларнинг ҳақиқий эскиришини ҳисобдан чиқариш.	0211-0290	9210

8510-“Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш бўйича тузатишлар” счётининг дебети - илгари қайта баҳоланган асосий воситаларни қайта баҳолаш суммаси доирасидаги пасайиш суммаси ёки олдинги қайта баҳолашлар суммасининг олдинги баҳолаш суммасидан ошиб кетган суммаси учун. ушбу асосий восита объекти.

9430 «Бошқа операцион харажатлар» счётининг дебети - ушбу

объект бўйича белгиланган қийматнинг ушбу асосий воситалар объектини илгари қайта баҳоланган қайта баҳолаш суммасидан ошиб кетган суммаси ёки суммасидан ошиб кетган суммаси бўйича. ушбу асосий воситалар объектининг олдинги чегирмалари суммасига нисбатан олдинги қайта баҳолашлар (яъни, амортизация суммасининг ушбу асосий воситалар объекти бўйича 8510 "Узоқ муддатли активларни қайта баҳолаш учун

<sup>2</sup> “Ўзтелеком” акциядорлик жамияти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси



тузатишлар" ҳисобварағида қайд этилган қолдиқ суммасидан ошиб кетиши).

асосий воситалар (0100), молиявий ижара шартномаси бўйича олинган асосий воситалар (0300), капитал қўйилмалар

(0800), ўрнатиш учун асбоб-ускуналар (0700) ҳисобварақларига кредит - асосий воситаларнинг дастлабки (алмаштириш) қийматининг амортизацияси суммасига. активлар.

**5-жадвал**

**“Ўзтелеком” акциядорлик жамияти молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситалар ҳисобварақлари бўйича корреспонденция**

№	Хўжалик операциясининг мазмуни	Ҳисоб-китобларнинг корреспондентсияси	
		Дебет	Кредит
1	Молиявий лизинг шартномаси бўйича асосий воситаларни олиш	0310	6950, 7910
4	Молиявий лизинг шартномаси бўйича тўланмаган қолдиқ учун молиявий лизинг шартномаси муддати тугагунга қадар объектларни лизинг берувчига қайтариш: а) жорий қисми б) узоқ муддатли қисм	6950 7910	0310 0310
5	Молиявий лизинг шартномаси бўйича олинган асосий воситаларни қайта баҳолаш: а) қайта баҳолаш б) белгилаш	0310 8510, 0299	8510, 0299 0310

“Ўзтелеком” акциядорлик жамиятида асосий воситаларга амортизация ҳисоблаш тартиби қуйидагича амалга оширилади:

Асосий воситаларнинг қиймати амортизация ҳисобига қопланади.

Амортизация қилинадиган қиймат тизимли равишда амортизация ажратмалари кўринишида корхонанинг бутун фойдаланиш муддати давомида харажатларига тақсимланади

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 2017 йил. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
2. Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонуни. Янги таҳрири. 2016 йил 13 апрель ЎРҚ-404-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60- сон “2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси кишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган Стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” ПФ-5853-сонли Фармони. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси, Тошкент 2022 йил 20 декабрь йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // Халқ сўзи, 2020 йил 21 декабрь.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2020 йил 24 февралда ПҚ-4611-сонли Қарори <https://lex.uz/docs/4746047>

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида»ги Низомни тасдиқлаш бўйича Қарори. 1999 йил 5 февраль, 54-сон. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

8. Жердева О.В., Санькова Е.А. Развитие концепции справедливой стоимости//Сб. Формирование экономического потенциала субъектов хозяйственной деятельности: проблемы, перспективы, учетно-аналитическое обеспечение. – 2015. – С. 76-79. Муллинова С.А., Жердева О.В. Международные стандарты финансовой отчетности: учебное посо-бие. – Майкоп: ИМ Магарин О.Г., 2018. – 176 с.

9. 16-сонли БҲХС. [www.mf.uz/media/file\\_en/audit/is/IAS16.pdf](http://www.mf.uz/media/file_en/audit/is/IAS16.pdf)

10. Терпак Н.А. Международные стандарты финансовой отчетности: цель, принципы и сопоставление с положениями по ведению бухгалтерского учета в РФ // Экономика и биз-нес: теория и практика. – 2019. – № 10-2 (56). – С. 118-120

11. Жердева О.В., Санькова Е.А. Развитие концепции справедливой стоимости//Сб. Формирование экономического потенциала субъектов хозяйственной деятельности: проблемы, перспективы, учетно-аналитическое обеспечение. – 2015. – С. 76-79. Муллинова С.А., Жердева О.В. Международные стандарты финансовой отчетности: учебное посо-бие. – Майкоп: ИМ Магарин О.Г., 2018. – 176 с

12. Филиппова М. Сравнительный анализ учета основных средств по РСБУ и МСФО//European journal of economics and management sciences. – 2017. – №2. –С. 6-9.

13. Шкамарда К.А. Амортизация и обесценение основных средств в соответствии с РСБУ и МСФО // Инновационная наука. – 2017. – №12. – С. 129-133

14. Вахрушина М.А., Мельникова Л.А., Пласкова Н.С. Международные стандарты финансовой отчетности: учеб. пособие / под ред. М.А.Вахрушиной. М.: Омега-Л, 2009. – 571 с., Завьялова Т.В., Гудожникова Е.В., Васильева Е.А. Сравнительный анализ бухгалтерского учета основных средств в отечественной и международной практике // Фундаментальные исследования. – 2015. – № 12-6. – С. 1215-1218., Чая В.Т., Чая Г.В. Международные стандарты финансовой отчетности: учебник. М.: Рид Групп, 2011. – 368 с

15. Обидов Р. Р., Шарахматов Д. Д., Кулжанов О. М. Кластер тизимида асосий воситалар харажатлари ҳисобини такомиллаштириш //Science and Education. – 2022. – Т. 3. – №. 6. – С. 1331-1339.

16. Hamdamov O. N. PROSPECTS FOR INCREASING THE IMPORTANCE OF FINANCIAL MANAGEMENT IN ENSURING THE FINANCIAL STABILITY OF STOCK COMPANIES //Theoretical & Applied Science. – 2021. – №. 8. – С. 215-219.